

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Ўзбекистон Республикаси
Энергетика вазири

Ж. Мирзамахмудов

2024 йил “21” 06

**Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппарати хузуридаги
Электр энергетикаси тармоғини ислоҳ қилиш бўйича лойиҳа офисида мавжуд
вакант лавозимга ишга қабул қилиш бўйича танлов комиссиясининг
28 - сон баёни**

2024 йил “21” 06

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: Ж. Мирзамахмудов – Энергетика вазири, Танлов
комиссияси раиси

Қатнашганлар: Вазир ўринбосарлари, Режим ва комплаенс бўйича вазир
маслаҳатчиси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги
вакили, Танлов комиссияси аъзолари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

**Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппарати хузуридаги
Электр энергетикаси тармоғини ислоҳ қилиш бўйича лойиҳа офисида мавжуд
вакант лавозим учун эълон қилинган танловнинг суҳбат босқичини ўтказиш
тўғрисида**

(Мирзамахмудов, Мамадаминов, Шукуров, Файзиев, Мирзамахмудов)

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда - Агентлик) билан келишган ҳолда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппарати ва ташкилий тузилмасидаги ташкилотларда мавжуд вакант лавозимларига ишга қабул қилиш бўйича танлов ўтказиш тартиби” (кейинги ўринларда - Тартиб) талабларидан келиб чиқиб, вазирлик хузуридаги **Электр энергетикаси тармоғини ислоҳ қилиш бўйича лойиҳа офиси 1 тоифали мутахассиси** вакант лавозимига ишга қабул қилиш учун Агентликнинг <https://vacancy.argos.uz/> платформаси орқали танлов эълон қилинган эди.

Мазкур лавозимга номзодлар томонидан жами 72 та мурожаат келиб тушган.

Танловнинг 1-босқичи бўйича номзодларнинг ўрнатилган малака талабларига мослиги текширилди, шундан сўнг, муваффақиятли ўтган номзодлар танловнинг 2-босқичида Агентликда тест синовлари топширишди.

Танловнинг тест синовлари босқичидан муваффақиятли ўтган уч нафар номзодлар танловнинг суҳбат босқичига таклиф қилинди.

Танловнинг суҳбат босқичи Энергетика вазирлиги биносида очик мулоқот шаклида бўлиб ўтди.

Суҳбат босқичида Танлов комиссияси аъзолари томонидан номзодларга танлаган вакант лавозими фаолияти билан боғлиқ саволлар берилди. Шундан сўнг номзодларнинг жавоблари ўрнатилган тартибда муҳокама қилинди.

Комиссия аъзоларининг тавсияларини кўриб чиқиб, Танлов комиссияси **қарор қилади:**

1. Вазирлик ҳузуридаги Электр энергетикаси тармоғини ислоҳ қилиш бўйича лойиҳа офиси 1 тоифали мутахассиси лавозимига Рихсибоев Ойбек Алишер ўғли номзоди маъқуллансин.

2. Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими (З.Файзиев) ёлиб бўлган номзод билан ўрнатилган тартибда меҳнат муносабатларига оид ҳужжатларни имзолаш ва лавозимга тайинлаш бўйича ишларни амалга оширсин.

3. Ушбу йиғилиш баёни ижросини назорат қилиш вазир маслаҳатчиси Д.Л.Шукуров зиммасига юклансин.

У.М. Мамадаминов

Ф.Х. Шарофитдинов

Д.Л. Шукуров

А.А. Раупов

Ф.Ф. Шарипов

З.Н. Файзиев

Д.И. Исанбеков